**Фармон ва ижро**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси эксперт кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари лойиҳаси кўриб чиқилди.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси давлат ва бизнес-жамият ўртасида самарали мулоқот ва ҳамкорликнинг амалий механизмларини таъминлаш, хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазаси кафолатларини кучайтириш, аҳолига шахсий бизнес ташкил этиш ва юритишда ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида тайёрланган.

Давлатимиз раҳбари фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши самарадорлигини ошириш ва кафолатларини кучайтириш мақсадида янги ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлди.

– Эндиликда палата меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, ноаниқликлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган қонунчилик ҳужжатларини бекор қилишга оид таклифларни тегишли идораларга тақдим этади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди раиси Фозилжон Отахонов. – Бундан ташқари, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида палата вакиллари жиноят ишларининг кўрилиши жараёнида, суд текширувларида жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиш, давлат активларини хусусийлаштириш ва алоҳида хизматларни хусусий секторга топшириш бўйича таклифларни тақдим этиш сингари ҳуқуқларга эга бўлди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Пойтахтимизда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ташкил этилган семинар Ўзбекистон касаба уюшмаларининг "Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!" шиори остида ўтказилган Форум якунларига бағишланди.***

# ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари, жамоат ташкилотлари, барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, фаоллари ва аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки мазкур форумни ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда барча даражадаги касаба уюшма органлари ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда касаба уюшма фаолларини Ватанимизнинг порлоқ истиқболи йўлидаги улуғвор мақсадларни амалга ошириш йўлида жипслаштиришга қаратилган.

Ташкил этилган амалий семинарда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ҳамда касаба уюшмалари олдида турган устувор вазифаларни аъзоларга етказиш ва ушбу дастурий ҳужжат ижросини таъминлашда фаолликни ошириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"ни амалга оширишда кўмаклашиш дастури"ни бажариш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Семинарда сўзга чиққан ижтимоий ҳамкорлар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари вакиллари Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш борасидаги аҳамиятига алоҳида тўхталдилар.

— Мамлакатимизда ислоҳотлар янги босқичга кўтарилгани, Ҳаракатлар стратегияси юртимиз тараққиётида янги саҳифа очганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди Тошкент давлат юридик университети касаба уюшма қўмитаси раиси Эшмуҳаммад Қодиров. — Форум 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда касаба уюшмаларининг ўрни ва ролини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди. Форум касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда, унда белгилаб олинган вазифалар биз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Семинарда Форум иштирокчиларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари аъзоларига Мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Форум якунида касаба уюшма фаоллари жондан азиз Ватанимизнинг нурафшон келажаги, порлоқ истиқболи йўлида барча куч ва ғайратларини сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МИЖОЗЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР

***"Қишлоқ қурилиш банк"да янги "Депозит-банкинг" хизмати йўлга қўйилди. "Депозит банкинг" мобиль дастури банк омонатчилари – жисмоний шахсларга банк муассасаларига келмасдан шахсий мобиль телефонлари орқали, ўзи талаб қилиб олгунча ва муддатли омонат ҳисобрақамларидаги маблағлар доирасида омонатларга ҳисобланган фоизларни чиқим қилиш ҳамда муддати тўлган омонатларни тўлиқ ёки қисман қайта расмийлаштиришга хизмат қилади.***

Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида бу ва бошқа замонавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш борасидаги қатор янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Унда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жумладан, тижорат банклари олдига "Электрон ҳукумат" тизими механизмларини йўлга қўйиш, аҳоли ҳамда юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш вазифалари қўйилгани таъкидланди. Зеро, эркин бозор иқтисодиёти шароитида ахборот технологияларини жорий этиш орқали замонавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш тижорат банкларининг молия бозоридаги ўрни ва рақобатбардошлигини таъминлашдаги асосий омил ҳисобланади.

"Қишлоқ қурилиш банк"да мижозларга кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатилаётган замонавий хизматлар тури кўпаймоқда. "Интернет банкинг", "Мобиль банкинг" ва "СМС-банкинг" хизматлари шулар сирасидан бўлиб, мазкур хизматлар туфайли мижозлар вақтларини тежаш ва маблағларни тезкор тасарруф этиш каби қулайликларга эга бўлмоқда.

– Бундай хизматларнинг кенгайиб бориши банк учун ҳам фойдали бўлиб мижозлар сафини кенгайтириш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва меҳнат ресурсларини тежаш имконини бермоқда, – дейди ЎзА мухбирига банк матбуот хизмати раҳбари Шуҳрат Орипов. – Ҳозир масофавий банк хизматларининг янги турларини жорий қилиш, уларни кўрсатиш сифатини ошириш, операциялар кўламини кенгайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида ахборот технологияларини жорий этиш орқали кенгайиб бораётган АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" хизматлари кўламига мос равишда банк мижозлари ҳам йилдан йилга кўпайиб бораётганлиги қайд этилди. Шунингдек, истиқболли лойиҳалар, банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича маърузалар тингланди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб берди.

**Сайёра ШОЕВА**

***Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, унинг турмуш фаровонлигини ошириш ва жамиятда адолат тамойилини батамом таъминлашдан иборатдир.***

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР ВАЗИФА

Демократик давлатлар конституциявий тараққиётининг асосий йўналиш ва тамойиллари негизини инсон манфаатлари ва халқ фаровонлиги ташкил этар экан, ўз навбатида ушбу вазифани амалга оширишда судлар фаолиятини янада самарали тарзда ташкил этиш бугунги давр талабидир.

Шу маънода умумхалқ муҳокамасига қўйилиб фуқароларнинг илғор таклиф ва тавсиялари билан янада бойитилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланиб унда ушбу соҳада 60 дан ортиқ амалга оширилиши керак бўлган муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси судьялари билан учрашуви одил судловни амалга ошириш вазифаси юкланган судьялар фаолиятини тубдан янгича руҳ ва мазмунда ташкил этиш борасида муҳим сиёсий ва тарихий аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашувдаги ўз маърузаларида суд тизими фаолиятидаги бир қатор муаммо ва камчиликларни таъкидлаш баробарида суд ҳокимиятининг келгусидаги фаолияти мезонлари нималардан иборат бўлишини кўрсатиб ўтдилар.

Мазкур мулоқотда Президентимиз суд ҳокимиятига таъриф бериб суд қонун устуворлиги ва адолатни таъминлайдиган мустақил ҳокимиятдир, деб таъкидладилар.

Шунингдек, суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор жумладан 80, 81, 83, 93, 107, 110, 117-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳақида гапириб, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ягона суд ҳокимиятини ташкил этиш ва суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишига кўмаклашадиган янги конституциявий тузилма судьялар ҳамжамиятининг органи Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг мақомини белгилашдан иборатлигини таъкидлаб ушбу кенгаш фаолиятини самарали тарзда ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар бердилар.

Шунингдек давлатимиз раҳбари 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг 24 мингдан ортиғи фуқаролик судлов ишларига ҳамда 11 мингдан ортиғи эса жиноят ишлари бўйича мурожаатлар эканлигига алоҳида урғу бердилар. Бу эса ўз навбатида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлаш борасида судлар фаолиятида муайян даражада камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди. Шу сабабли судья адолат посбони бўлиши ва адолатни рўёбга чиқариши керак албатта.

Юксак ахлоқий-маънавий савияга эга бўлмаган одам судья бўлмаслиги керак ва маънавият бўлмаган жойда адолат бўлмаслигини ҳам қайд этиб, энг муҳими судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши кераклигини судьянинг мустақиллиги бу масъулиятдир, деб таъкидладилар.

Шунингдек, судьялар ўз ҳудудларидаги аҳоли билан доимий алоқани таъминлаш мақсадида ҳар ойда бир марта халқ билан очиқ мулоқотни ўтказишлари кераклиги ва судьялар халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари олдида ахборот беришлари зарурлигини белгилаб бердилар.

Бу кўрсатмалар келгусида судьялар томонидан амалга оширилиши натижасида халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари янада кенгроқ таъминланади ва суд идораларининг фаолиятидан жамоатчиликнинг хабардорлиги ортиб, бу ўз навбатида судьялар ва суд идоралари ходимларининг янада масъулият билан ишлашга, халқ олдида ҳар бир мансабдор шахс масъул эканлигини белгиловчи конституциявий тамойилнинг бевосита амалий ижроси таъминланишига хизмат қилади.

Белгиланган ушбу вазифалардан келиб чиқиб биз судьялар имкон қадар кўпроқ сайёр судларини ташкил этиб содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишини бевосита халқ орасида муҳокама қилиб уларнинг қимматли фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда иш юритмоқдамиз. Бу ўз навбатида мазкур маҳаллаларда келгусида жиноятчиликнинг кескин камайишига хизмат қилиши баробарида айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни ҳушёрликка чорлайди.

Бу ўзаро ҳамкорлик суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб том маънода жамиятда ҳуқуқ тартиботнинг мустаҳкам ўрнатилишига хизмат қилади.

Президентимизнинг маърузаларида белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча бўғин судларининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши этиб белгиланиши натижасида келгусида фуқароларнинг суд идораларига бўлган ишончи янада ортишига, пировард натижада эса, шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро мустаҳкам алоқанинг таъминланиши кафолатланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳаммамизни қувонтириши баробарида ушбу ўзгаришларга нисбатан фаол муносабатимиз ва муайян даражада ҳиссамизни қўшишни талаб этади.

Бу ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларнинг ўз хизмат бурчини адолат мезонлари асосида садоқат ва масъулият билан бажаришида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин тутади.

**Темур ҚОСИМОВ,**
**Аҳрор ХАШИМХОНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Тошкент шаҳар Яккасарой туман**
**судининг судьялари**

# СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАРЧА МАСЪУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида "Коррупция – миллий хавфсизликка таҳдид" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Коррупцияга қарши курашиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, доимий ва ўзгарувчан шахсий таркибнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Бош прокуратуранинг олий ўқув курслари, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг мутасадди ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари асосида ушбу балони йўқ қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Маълумки, жорий йилнинг 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти – коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

– Мазкур тадбир коррупцияга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг ўрганишга бағишланди, – дейди Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази цикл бошлиғи, подполковник Зафар Жуманов. – Тегишли соҳаларнинг мутасадди ходимларининг маърузалари ёш ходимларда коррупцияга мойиллик каби салбий ҳислатларнинг олдини олишда, уларда бу каби иллатга нисбатан мустаҳкам иммунитет шакллантиришда яхши самара беради деб ўйлайман.

**Абдували СОДИҚОВ**

**Технологиялар**

# ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ

***Пойтахтимизда "Газни қайта ишлаш ва етказиб беришнинг замонавий усуллари" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари ходимлари, хорижий инвесторлар, олимлар, мутахассислар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.***

"ЎзЛИТИнефтгаз" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Р.Шафиев ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга оширишни давом эттириш, нефть-газ саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш, экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим дастуруламал бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз газ қазиб чиқариш бўйича дунёдаги йигирмата етакчи давлатлар қаторига киради. Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури табиий газ экспорти ва транзитида муҳим роль ўйнаётган бўлса, "Шўртангазкимё" мажмуаси, Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси сифатли товар газ ишлаб чиқаришни ошириш, газ таркибидан муҳим компонентлар ажратиб олинишини кўпайтириш, уларнинг асосида юқори рентабелли, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 сентябрдаги "2016-2020 йилларда углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2020 йилгача тармоқда 30 миллиард 4 миллион долларга тенг 78 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда Бухоро вилоятида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Россиянинг "Лукойл" компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

– Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш борасида улкан салоҳиятга эга, – дейди "Лукойл Ўзбекистон Операйтинг Компани" корхонаси бўлим бошлиғи Артём Аҳмедов. – Мазкур анжуман соҳадаги ютуқлар, анъана ва йўналишлар билан танишиш имконини берди. Шу билан бирга, нефть-газ саноатини ривожлантириш ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон нефть-газ саноатининг сармоявий салоҳияти, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, янги имкониятлар, углеводород базаларини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар, энергия самарадорлигини оширишга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди, маърузалар тингланди.

**(ЎзА)**

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

# ГУЛЛАЁТГАН ЁШЛИК ЧОҒЛАРИ...

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб***

...Иқтисод йўналишида таҳсил олаётган танишим бор. Интилувчан, ташаббускор, иқтидорли талаба. Бир одати бор: байрам кунларни санаб юради. Дунёнинг қайси мамлакатида қачон қандай байрам нишонланишини ёддан билади. Яқинда учрашиб қолдик. Оғзи қулоғида.

– Ака, байрамларимиз яна биттага кўпайди, – дейди қувониб. – Бу кун биз – ёшлар учун кутилмаган совға, юксак ишонч байрами бўлди.

У Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни", деб эълон қилинганини назарда тутаётган эди.

Шу тариқа суҳбатимиз Президентимиз фармонининг мазмун-моҳиятига ўтди.

– Туққан жойда туғинг тик, деган мақол бежиз айтилмаган, – дейди у. – Халқимиз доно, топиб гапиради, ҳақ айтади. Ватан – бу инсонга тақдим этилган энг улуғ неъмат. Унинг қадрига етиш, авайлаб-ардоқлаш, тараққиётига хизмат қилиш – олий бахт. Айтинг, ҳозир ўқийман, илм қиламан, ўсиб-улғаяман, деган ёшлар учун нима етмайди? Барча шароит муҳайё, имтиёзлар етарли. Янги фармон бизга янада куч-ғайрат, зўр илҳом бағишлади. Ўзимизни кўрсатадиган, юртимизга хизмат қиладиган ёшдамиз. Ака, кўнглимга тугиб қўйдим, фармонда таъсис этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотини олишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг мазкур фармони билан янги ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлар – келажак бунёдкори" шиори остида ёшларнинг том маънодаги суянчига айланиши шубҳасиз. Фармонда ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Унга кўра, ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч ҳиссини қарор топтириш, пухта билим эгаллашлари, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун зарур шароитлар яратиш, маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёшлар сиёсати борасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби бир қатор чора-тадбирлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганига қарамай, ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар мавжудлиги таъкидланган. Бунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз зиммасидаги мақсад ва вазифаларни тўлақонли ҳаётга татбиқ этолмагани, том маънода Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмагани қайд этилган.



Мазкур йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш мақсадини кўзда тутувчи фармон мамлакатимиз ёшлари учун айни муддао бўлди.

Тарих гувоҳ, бу муқаддас заминимиздан не-не буюк алломалар, давлат арбоблари етишиб чиқмаган. Уларнинг шонли йўли, ҳикматию фалсафаси бугун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик ва фидойилик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб келмоқда.

Президентимиз фармонида бу жиҳатлар алоҳида эътиборга олиниб, мамлакатимизнинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Эндиликда бундай шарафли номдаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларимиз юртимиз шаънини, осойишталигимизни муносиб ҳимоя қиладиган етук фарзанд бўлиб камол топади.

– Бундан барчамиз – устозлар, ота-оналар, ёшларимиз ниҳоятда фахрландик, – дейди Тошкент шаҳридаги ҳарбий академик лицей директори ўринбосари Ўринбой Бобоёров. – Лицейимизга "Темурбеклар мактаби" номи берилганини эшитган меҳнат таътилидаги ўқитувчиларимиз ҳам келиб, янги ўқув йили режасига ўзгартиш киритмоқда. Бу бизга катта масъулият юклади. Энди Соҳибқирон бобомизга муносиб бўлишга барчамиз бирга ҳаракат қиламиз.

Фармон асосида "Ёшлар нашриёти уйи" ташкил қилинмоқда, "Қизларжон" журналини очиш кўзда тутилган.

Дилобар Маматова бу йил Навоий давлат педагогика институтининг она тили ва адабиёти факультетини тамомлади. У ҳозир пойтахтда. Журналистика факультетининг олий журналистика курсига ҳужжат топширгани келган.

– Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилгани менга алоҳида мамнуният бағишлади, – дейди у. – Президентимизнинг бу борадаги фармонини ўқиб кўнглим тоғдек улғайди. Шеърлар машқ қилиб тураман. Ёшлар нашриёт уйининг ташкил этилиши айни муддао. Мазкур нашриётда биз каби ёшларнинг илм-фан, адабиётга доир китоблари чоп этилади. Бу ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлашда ғоят аҳамиятлидир. "Қизларжон" журнали ҳам мамлакатимиз қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларида яқин кўмакчига айланишига шубҳа йўқ. Биз ҳам шу юксак эътиборга муносиб фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Яна бир гап. Фармонда мамлакатимиз ёшлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида ишлаётган ходимлар учун қатор имтиёз ва шароитлар яратилиши белгиланган. Бу ҳам ёшларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади.

...Фармонни қайта-қайта ўқийман. У биз, ёшларни янгидан-янги муваффақиятлар сари ундайди.

**Улуғбек АСРОРОВ**

## Пайшанба – профилактика куни

***Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни муносабати билан амалга оширилаётган ишларга бағишланган навбатдаги брифингда содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаблари таҳлил этилди.***

# ЖИНОЯТЛАР КАМАЙМОҚДА

Жорий йилнинг 6 июль кунидан 13 июль кунига қадар пойтахтимизда 18 жиноят қайд этилган, улар "изи йўқолмасдан" фош қилинган. Ҳафта давомида қидирувда бўлган 33 жиноятчи қўлга олинган. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида бедарак йўқолган 14 шахс аниқланиб, яшаш манзилига қайтарилган.

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Евгений Фоменко маст ҳолатда акаси Валерий Фоменко билан жанжаллашган, ошхона пичоғи билан акасининг кўкрак қафаси ва танасининг бошқа жойларига уриб, тан жароҳати етказган. Жабрланувчи касалхонада вафот этган.

Мазкур ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги терговбўлими томонидан жиноят иши қўзғатилиб, жиноятчига нисбатан "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси кўрилган. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Чилонзор тумани ҳудудида муқаддам судланган, 1991 йилда туғилган Рината Мусаева ўзининг 7, 5 ва 3 ёшли қизларини уйда қаровсиз, ҳаво ҳарорати юқори даражада иссиқ бўлишига қарамай, хонадон ойналари ва эшигини ёпиқ ҳолатда қолдириб, хонадон эшигини қулфлаб, ўз ишлари билан кўчага чиқиб кетган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган ёш фарзандларини хавф остида қолдирган.

Оқибатда Мусаеванинг 3 ва 5 ёшли фарзандлари вафот этган. Мазкур ҳолат юзасидан Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

"Avtoustoz" масъулияти чекланган жамиятида автомобиль бошқаришни ўргатувчилар Дониёр Муқсимов ва Юнус Носиров Шайхонтоҳур тумани ҳудудида фуқаро Ҳакимова ва Асадовага юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали ўқув машғулотларига бормасдан, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришни ваъда қилиб, улардан жами 6 миллион 760 минг сўм миқдордаги пулни олаётган вақтда Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан жиноят иши қўзғатилган. Ҳозир жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, фуқаро Муқсимов ва Носировларнинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги текширилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган "Орият" тадбирлари давомида фоҳишахона сақлаш билан боғлиқ бир қатор жиноятларга чек қўйилган.

Кўча ва жамоат жойларида, хонадонларда босқинчилик, ўғирлик ва бошқа турдаги жиноятларнинг содир этилишини олдини олиш мақсадида 27 хонадон ва 9 объект қўриқловга олинди. 53 объектга автоном сигнализациялар ўрнатилган. 62 объектга 163 видеокамера қўйилган.

Жамоат жойларида ва оила-турмуш доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида судлар томонидан жамоат ташкилотлари ва профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда 8 ҳуқуқбузарлик сайёр суд мажлисларида муҳокама этилган.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Кўргазмалар

# ҲАЁТ ЗАВҚИ

***Ўзбекистон Бадиий Академияси Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида фото рассом Дилмурод Рустамовнинг "Ҳаёт завқи" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.***

Тадбирда Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройи директори Ф.Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни қайта тиклаш, тараққий эттириш, келажак авлодга етказиш борасидаги кенг кўламли ишлар самараси, ижодкорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг эркин ва самарали ижод қилишларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар доимий эътиборда эканлигини таъкидлади.

Кўргазмада рассомнинг 70 га яқин бир-бирини такрорламайдиган ижодий ишлари намойиш этилди. Айниқса, "Ёғду", "Парвоз" каби картиналари томошабинларга бирдай манзур бўлди. Масалан, ёмғир ёққанда томчининг жилоланиб тушиши, кўлмакда ажойиб санъат асарининг яратилиши кабиларни фақатгина теран кўзгина англай олади. Дилмурод мана шундай онларни фотообъектив нигоҳида муҳрлайди ва биз кўра олмаган гўзалликни инсонларга улашишга ҳаракат қилади.

Дилмурод Рустамов 2007-2011 йилларда К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг "Амалий санъат" факультетининг компьютер графика ва бадиий фото бўлимини тугатди. 2012 йилдан бери "Инсон ва қонун" газетасида фотомухбир бўлиб фаолият юритиб келмоқда. Бу даврда у мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган тадбирларида фаол иштирок этиб, фотолавҳалар тайёрлади ҳамда бир қанча танлов ва кўргазмаларда қатнашиб, муносиб тақдирланди. Ҳозирги кунда Дилмуроднинг мингга яқин фотосуратлари ўз мухлисларини топган.

Кўргазмага қўйилган суратлар юртимизнинг бой тарихи, мафтункор табиати ва унда яшаётган инсонлар, уларнинг урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилади.



Шу билан бирга қалбимизни яшаётган кунларимизга нисбатан ажиб бир шукроналик ҳислари билан қамраб олади. Чунки тасвирлардаги ёруғлик, келажакка ишонч, она юртга садоқат, меҳр-оқибат ришталари, бахтиёр болаликка талпиниш каби суратлар уйғунлиги яшашга, яшаганда ҳам бахтли ва бахтиёр яшашга ундаётгандай таассурот қолдиради кишида.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**

## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси*

*Солиқ академияси сайланиш муддати тугаган, танловдан ўтгунга қадар лавозимга тайинланган педагог ходимларнинг лавозимларини қайта эгаллаш учун, шунингдек бўш (вакант) кафедралар мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимларини жамлаш учун*

*ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ*

**Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси**
кафедра мудири – 1 нафар;
профессор – 3 нафар;
доцент – 4 нафар;
катта ўқитувчи – 3 нафар;
ўқитувчи – 2 нафар.

**Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси**
профессор – 1 нафар;
доцент – 2 нафар;
катта ўқитувчи – 1 нафар;
ўқитувчи – 1 нафар.

**Молия ва кредит кафедраси**
кафедра мудири – 1 нафар;
катта ўқитувчи – 1 нафар;
ўқитувчи – 1 нафар.

**Иқтисодий фанлар кафедраси**
профессор – 1 нафар;
доцент – 2 нафар;
катта ўқитувчи – 1 нафар;
ўқитувчи – 1 нафар.

**Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси**
доцент – 1 нафар;
ўқитувчи – 1 нафар.

**Юридик фанлар кафедраси**
кафедра мудири – 1 нафар;
доцент – 1 нафар;

**Тиллар кафедраси**
кафедра мудири – 1 нафар;
катта ўқитувчи – 1 нафар;
ўқитувчи – 1 нафар.

**Информацион технологиялар кафедраси**
кафедра мудири – 1 нафар;
профессор – 1 нафар;
доцент – 1 нафар;
ўқитувчи – 1 нафар.

***ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:***

**Кафедра мудирларига:**

● ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши зарур.

● Йўналиши бўйича камида 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

**Профессорларга:**

● ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши.

● Камида 5 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шарти билан бир муддатга иштирок этиши мумкин.

**Доцентларга:**

● ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан доктори (номзоди) илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлиши зарур.

● Камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам бир муддатга қатнашиши мумкин.

**Катта ўқитувчи ва ўқитувчиларга:**

● Педагогик фаолиятида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга эга;

● Дунё ОТМ бўйича 300 та ўринда турган таълим муассасаларини битирган ва PhD дипломига эга бўлган.

***ТАНЛОВДА ҚАТНАШУВЧИЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:***

1. Ректор номига ариза;
2. сўровнома;
3. таржимаи ҳол;
4. 1 дона 4х5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёпиштирилган ҳолда);
5. иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
6. олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
7. кафедра мудири, профессор номзодларига:
- фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
8. илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
9. чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар.
10. меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Эълон чиққан кундан бошлаб ҳужжатлар **бир ой давомида** қабул қилинади.

***Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси 210-хонада қабул қилинади. Тел: 230-16-36.***

***Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги академик лицей мавжуд бўш (вакант) жойларга***

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. кимё-биология фани ўқитувчиси (рус гуруҳларига) — 1 нафар
2. информатика фани ўқитувчиси (рус гуруҳларига) — 2 нафар
3. информатика фани ўқитувчиси (ўзбек гуруҳларига) — 2 нафар
4. тарих фани ўқитувчиси (рус гуруҳларига) — 1 нафар
5. тарих фани ўқитувчиси (ўзбек гуруҳларига) — 2 нафар
6. математика фани ўқитувчиси (рус гуруҳларига) — 2 нафар
7. математика фани ўқитувчиси (ўзбек гуруҳларига) — 1 нафар
8. инглиз тили ўқитувчиси (рус гуруҳларига) — 1 нафар
9. инглиз тили ўқитувчиси (ўзбек гуруҳларига) — 1 нафар
10. физика фани ўқитувчиси (рус гуруҳларига) — 2 нафар
11. физика фани ўқитувчиси (ўзбек гуруҳларига) — 1 нафар
12. бош ҳисобчи — 1 нафар (иш стажига эга).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган, 5 йилдан ортиқ узлуксиз педагогик стажга эга бўлиши лозим. Улар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 1 ой ичида қуйидаги манзилга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-Халқобод тор кўчаси, 4-уй.

Мурожаат учун телефон: 235-69-47 (кадрлар бўлими).

